# Маҳсулотлар (товар ва хизматлар) ягона электрон миллий каталоги фойдаланиш қўлланмаси

Маҳсулотлар (товар ва хизматлар) ягона электрон миллий каталоги тизими маҳсулот ва хизматларни идентификация **коди (МХИК)ни** қидириб топиш, уни шахсий кабинетда сақлаш ва электрон ҳисобварақ-фактуралар, электрон шартномалар ҳамда онлайн-НКМ ёки виртуал кассаларда акс эттириш учун хизмат қилади.

***<u>МХИК</u>*** *- бу маълум бир маҳсулот ёки хизмат турига тайинланган белгилар (рақамлар) тўплами кўринишида тақдим этилган маҳсулот ва хизматларнинг идентификация коди.*




**МХИК**ни tasnif.soliq.uz интернет манзилида жойлаштирилган қидирув тизимидан фойдаланган ҳолда аниқлаш мумкин.




**МХИК** 17 та рақамдан иборат бўлиб, қидирув тизимида товарлар ва хизматларнинг номидан олдин келади.



Қидирув тизими рус ва ўзбек тилларида тақдим қилинган. Керакли тилни саҳифанинг тил панели орқали танлаш мумкин.




Қидирув тизими **МХИК**ни излашнинг **Маҳсулот ёки хизмат номи бўйича излаш** усулини қўллаб-қувватлайди.

Бунда товар ва хизматларнинг номи тўлик ёки қисман киритилади.

Қидирув тизими бир нечта ўхшаш **МХИК**ни ва уларнинг номларини танлаш имконини тақдим қилади.




Керакли **МХИК** танланганда тизимда иккинчи ойна очилади. Унда танланган **МХИК** ҳамда шу синфга яқин бўлган бошқа товар ва хизматлар номи тақдим этилади.




Ушбу саҳифадаги **“Танланганларга қўшиш”** тугмасини босиш орқали белгиланган **МХИК “Танланган маҳсулотлар”** бўлимига қўшилади.

**МХИК**ни **“Танланган маҳсулотлар”** бўлимига қўшиш электрон рақамли имзо (ЭРИ) орқали шахсий кабинетга кирган ҳолда амалга оширилади.



МХИК кодларини матн (маҳсулот ёки хизмат номи), Штрих код (боғланганлари) ва ТИФ ТН бўйича ҳам қидириш мумкин.




Агар излаш натижасида изланган маҳсулот ёки хизматнинг МХИКи мавжуд бўлмаса, уни қўшиш учун **“Агар маҳсулотингизни топмаган бўлсангиз, уни қўшишингиз мумкин” тугмаси орқали** операторга юборишингиз мумкин.







Барча юборилган мурожаатлар ҳолатини сайтнинг **Меню** қисмида **Яратиладиган МХИК** бўлимида кузатиш мумкин







| Гурух/Синф | Позиция/Позиция ости | Махсулот (хизмат) номи | Статус |
|---|---|---|---|
| ТУРЛИ ХИЛ ТАЙЁР МАХСУЛОТЛАР /Ручкалар ва маркерлар | Ручкалар ва маркерлар/Ручкалар ва маркерлар | Бейджики | Кўриб чиқилмоқда |
| АЛКОГОЛЛИ ВА АЛКОГОЛСИЗ ИЧИМЛИКЛАР ХАМДА СИРКА/Сув ва ичимликлар (газланган) | Ичимликлар/Ичимликлар (газланган) | Лимонад | Рад қилинди Ушбу махсулот учун 02202002001000000 рақамли МХИКдан фойдаланишингиз мумкин |
| АЛКОГОЛЛИ ВА АЛКОГОЛСИЗ ИЧИМЛИКЛАР ХАМДА СИРКА/Сув ва ичимликлар (газланган) | Ичимликлар/Ичимликлар (газланган) | Фанта Апельсин | Қабул қилинди 02202002001001001 |

Барча категориялар бўлимида гуруҳлар бўйича расм шаклда маълумотлар шаклланади.





Бу ерда тегишли гуруҳни қидириш ёки барча МХИК кодлари реестрини EXCELга юклаш мумкин.





Агар сизда саволлар қолган бўлса, бизга ёзишингиз мумкин бунинг учун экраннинг пастки ўнг қисмида **чат** мавжуд:





**Мурожаат учун: 71 202-32-32**
**Ички рақамлар: 577, 548**